

“ҲИБАТУЛ ҲАҚОЙИҚ” ДОСТОНИДАГИ СЎЗЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАБИАТИ

Лутфулла Синдоров, Жиззах давлат педагогика

институту докторанти

Ёзма манбалар тилини ўрганиш лексикологиянинг назарий коидаларини асослашга ёрдам беради, мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг бошқа халқлар билан ўзаро алоқа, муносабатларини белгилаш ва баҳолашда муҳим воситалардан бири саналади. Лексика тилнинг бошқа соҳаларига нисбатан турли ички ва ташқи таъсирларни ўзида мужассам этгани боис, халқнинг маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгариш ва ўсишни аниқлашга кўмаклашади [3;3]. Шу маънода, тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва луғат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларида бири тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларни ажратиб таҳлил қилишдир. Манбаларда истифода этилган сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш тилшунослик учунгина эмас, бошқа фанлар учун ҳам қимматли маълумот беради. Шунингдек, ёзма ёдномалар тилидаги лексемаларни мавзуй жиҳатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, кўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради [1;16].

“Ҳибатул Ҳақойиқ” лексикаси ўзига хос хилма-хил мавзуй гуруҳларни ташкил этиб, бир нечта семантик гуруҳ ва гуруҳчалардан иборатдир. Шунга кўра, қуйида достонда фаол қўлланган лексик бирликларни турли мавзуй гуруҳларга бўлиб тасниф қилиш орқали улардаги функционал-семантик хусусиятларни ўрганишни лозим топдик. Чунки бундай йўл, аввало, қўлланилган сўзлар мажмуи ҳақида, қолаверса, уларнинг таркибий жиҳати, матндаги функционал-семантик табиати ҳақида муайян илмий хулосалар беришга имконият яратади. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, достонда қўлланган лексик бирликлар қуйидагича таснифланди:

1. Ҳаракат-ҳолат билдирувчи семантик майдон

Ҳаракат-ҳолат билдирувчи семантик майдон шахс, нарса-буюм ҳаракати ва ҳолатини акс эттирувчи лексик бирликлардан иборат: *tüš-* – “тушмоқ”, *bul-* – “қўлга киритмоқ, эришмоқ”, *çal-* – “ташламоқ”, *tur-* – “артмоқ”, *az-* – “адашмоқ”, *art-* – “артмоқ”, *ber-* – “бермоқ”, *bar-* – “бормоқ”, *sal-* – “солмоқ”, *izlä-* – “изламоқ”, *bezä-* – “безамоқ”, *sewin-* – “севинмоқ”, *quç-* – “қучоқламоқ”, *ıwtan-* – “уялмоқ”, *ayt-* – “айтмоқ”, *sözlä-* – “сўзлашмоқ”, *soḡ-* – “сўрамоқ”, *yat-* – “ётмоқ”, *qon-* – “қўнмоқ”, *yaruš-* – “ёпишмоқ”, *baḡla-* – “боғламоқ”, *baq-* – “қарамоқ”.

Асарда қўлланилган **tüš-** – “тушмоқ”: *Rabātqa tüšügli tüšär köçgülik*. тушмоқ ҳаракат феъли қадимги туркий тил манбалари ва эски туркий адабий тилнинг илк ёдгорликларида “юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга, ерга ҳаракат қилмоқ” дастлабки мустақил маъносидан ташқари “бирор транспорт воситаси ёки уловдан тушмоқ”, “сафарда бирор жойга бориб тўхтамоқ”, “ёғмоқ”, “узилиб тушмоқ”, “бирор нарса ичига кирмоқ, чўммоқ” [4;600] сингари маъно оттенкаларини ҳам ифодалаган. Кези келганда қайд этиш жоизки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да **tüš-** феълининг 26 та маъноси берилган [10; II,237-239].

Bul- лексемаси Турфон матнлари ва “Олтун ёруқ” ёдгорлигида “етишмоқ, эришмоқ”, “эгалламоқ” маъноларида ишлатилган: *anı ücün täñri yärin bulḡay biz* – шунинг учун тангри ерига этишгаймиз [4;121]. “Қутадғу билиг” асарида “олмоқ”, “эришмоқ” семаларида учрайди: *Uzun yaš tilasa bulur aš bilä* – Агар узоқ умр кўришни истасанг, унга таом орқали эриш [4;121]. Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “топмоқ” маъноси келган [4;121]. Мазкур феъл ўрганилаётган дoston сўз бойлигида эса “қўлга киритмоқ, эришмоқ” семасида кўзга ташланади: *Bilig bil sa’adat yolini bula*. [5;220]

Čal- феълининг Турфон матнлари, “Олтун ёруғ” ёдгорлигида **čal-** феълининг “урмоқ”, “ташламоқ” (кўчма маънода) маънолари акс этганлигини “Қадимги туркий луғат”дан билиб олиш мумкин: *...birgäü yerkä čalip* –

биргаликда ерга ташлаб [4;137]. XI аср манбалари, “Қутадғу билиг” асарида “урмоқ”: ...*ölürdä ulip yerkä çalmış başı* – ўлганидан кейин бош ўзини тупроққа уради, “ташламоқ”, “Девону луғотит турк”да “урмоқ”, “ташламоқ”, “айтмоқ”: *çaqsa tutnur çal bilnür* – чакса – оловланади, айтса – билинади, маълум бўлади [4;137]. семалари кузатилади. “Ҳибатул ҳақойиқ” достонида “ташламоқ” семаси қайд этилган: *Xasislarni kötrüb nafsni çalib*.

Tur- феъли “Ҳибатул ҳақойиқ” асарида қуйидаги семаларда қўлланган:

- 1) “оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ”: *Anin kündä arta turur bu bida*’;
- 2) “бирор жой-макон, вақт, ҳолатда мавжуд бўлмоқ”: *Qani kendü ezgü kişi turğu yer*;
- 3) “кутган ҳолда бўлмоқ, бўлиши, юз бериши, келиши умидида бўлмоқ, шу мақсадда ўзини тутмоқ”: *Kütüb tur farahqa bala-ranj yütüb*;
- 4) “узоқлашмоқ”: *Tili yalğan ertin yïraq tur tez-ä*;
- 5) “сингмоқ”: *Serib sendä rāziñ sinjib turmasa*;
- 6) “худога солмоқ”: *Jazā’ qılma ya ranj izisi turub*;
- 7) -дир кесимлик аффикси ўрнида: *Ağiz til bezägi köni söz turur*.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асарида **az** “адашмоқ, янглишмоқ” маъносида ифодаланган: *Takabbur libasin keyib az salin*. Ушбу сўз илк бор Турфон матнларида айни маънода келтирилган: *Yol azsar ew tarfaz* – йўлдан адашган киши уйини топа олмас [4;72]. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “йўлдан чиқмоқ”, “адашмоқ” маъноларида учрайди: *Azıp yügrür erdim ayu berdi yol* – йўлдан адашиб юрар эдим, тангри йўл кўрсатди; *könilihtä azmiş özüm* – мен ҳақиқат йўлидан адашдим [4;72].

2. Мақон тушунчасини билдирувчи семантик майдон

2.1. Топонимлар: *Kaşğar, Yügnäk*. Қорахонийлар даври адабий ёдгорликлари тилига яқин турадиган асарда **Kaşğar** топоними қайд этилган: *Tamamî erür Kaşğariyü til bilä*; *Agar bilsä Kaşğar tilin er kişi*. Ўрни келганда айтиш керакки, Маҳмуд Кошғарий томонидан “туркий ёзув” (уйғурлар орасида кенг тарқалганлиги учун кейинчалик уйғур ёзуви номи билан

машхур бўлган) алифбо Аҳмад Югнакий даврида Шарқий Туркистон, Мавароуннаҳрда қўлланилар эди. Шунинг учун ҳам адиб ўз асарини Кошғар тилида, яъни қорахонийлар даврида амал қилган адабий тилда, туркий ёзувда битилганлигини таъкидлайди. Буни шоир тилидан айтилган қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлайди:

*Anin uş čiqartim bu turkča kitāb,
Keräk qil teb ey dost keräk qil itāb.*

Шунингдек, айти дostonда адибнинг туғилган ери хақида қуйидагиларга дуч келамиз:

*Adibniñ yeri atī Yügnäk erür,
Safāliq ajab yer köñüllär yarur.*

Тарихий манбаларда, жумладан, Ибн Хавқал асарида Yügnäk Самарқанд атрофида жойлашган дейилади. Шунингдек, 12-асрда яшаган машхур тарихчи Абулкарим ас-Самъоний “Ал-Ансоб” (“Насабнома”) китобида шундай ёзади: “Бу нисба (тахаллус) “Юғанак”дан ва бу (жой) Самарқанд қишлоқларидан. Бу нисба билан Абухомид Аҳмад ибн Абу Аҳмад ал Юғанакий машхурдирлар”. Умуман олганда, қўпчилик изланишларда мазкур шаҳар Самарқанд вилояти ҳудудида эканлиги эътироф қилинади.

2.2. Географик объект тушунчасини ифодаловчи лексемалар: oñ – “ўнг”, tüz – “текислик”, köl – “кўл”.

3. Ҳайвон номларини билдирувчи семантик майдон

Зоонимлар: *arслан, yağan, yılan, fil*. Дostonда туркий **arслан** термини учрайди: *Va lekin buşarda şar\ra arslanī*. Мазкур зоонимга дастлаб эски туркий тилнинг илк манбаларида дуч келамиз: *alın arslan tutar küçin siçğan tutmas* – ҳийла билан арслонни тутиш мумкин бўлса, куч билан сичқонни тутиб бўлмас [6; III,419]. “Таржумон”да **arслан** (11-12), “Китоб ул-идрок” асарида **arsalan** (11), **arслан** (103) шакллари қўлланишда бўлган. XIV аср Хоразм ёдгорликларида **arслан** (Мн, 29367), **arsalan** (Г,128а3). Алишер Навоий асарларида ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тилида [10; I, 65] **arслан** тарзида учрайди: *Bahrām arslanlarnī halāk*

qilib, tājni bašiğa qoyib taxtga oturdi [2;I,116]. В.Радлов луғатида телеут, олтой, кирғиз тилларида **arsilan**, татар, тоболь тилларида **arслан** (РСЛ,I,327-328), усмонли турк, озарбайжон, крим тилларида **аслан** (РСЛ,I,546) фонетик шакллари истеъмолда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Умуман, **arслан** зооними ҳам эркак, ҳам урғочи шерни англлатган. Ушбу зооним астропоним сифатида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “бурж” номини ҳам ифодалашга хизмат қилган. Термин арслоннинг “бўкиришга”, “ириллашига” тақлидни ифодаловчи **ars** сўзида **-lan** аффикси воситасида ясалган (ЭСС,I,84). Г.Вамбери **arслан** этимологиясини **aris** “кучли” + **lan** “йиртқич” сўзларига боғлайди (ЭСС,I,178). А.Шчербакнинг фикрича, **arsilan ar** “оч жигар ранг”, “қўнғир” сифатида билан **ағ** “йиртқич ҳайвон” сўзларидан ҳосил қилинган, - **sil** интенсиф шакл (ИРЛТЯ,197). Бизнингча, Э.В.Севортяннинг фикри тўғрироқ. Чунки олим мазкур термин этимологиясини ёритишда ҳайвоннинг чиқарган товушини ҳисобга олган ҳолда ёндашган.

Yilan [6; I, 232] термини илк бор Ўрхун-Энасой ёдгорликларида келтирилган: *altun bašliğ yilan män* [4;266]. Зооним ўрганилаётган асар тилида ҳам ифодаланган: *Yilan yumšaq erkän yavuz fe’l tutar*. “Ат-туҳфа” (10a12) ва “Китоб булғат” асарларида **ilan** (15a5) шакли кўзга ташланади. Термин эски ўзбек тили ёдгорликларида ҳам ифодаланган: *fusungar afsun bilä yilanni töšükdin čiqarur* [2; III,217]. Радлов луғатида таранчин, чиғатой тилларида **ilan** (РСЛ,I,1445), татар, куман, олтой, телеут, лебедин, чульм тилларида **yilan** (РСЛ,III,518) фонетик шакллари қўлланишда бўлганлиги қайд этилган. Термин ҳосила маъносида уйғур ёзувидаги кўхна манбаларида ҳамда “Девон”да астрономик термин сифатида туркийча ўн икки мучал йилларидан олтинчиси, илон йилини англлатган. Зооним **yil**= “жилмоқ”, “сирпанмоқ” феълига **-an** аффиксини қўшиш натижасида ҳосил бўлган (РСЛ,III,482). XIV аср Хоразм ёдгорликларида арабча **su’ban**, Алишер Навоий асарларида форс-тожикча **mor** [2; III,217] синонимлари ҳам қўлланишда бўлган: *Berür qoy*

kütmägä Musağa su'ban (Мн, 292a5).

“Фил” маъносидаги туркийча **yağan** (ҚР,63v16) термини уйғур ёзувидаги кўхна манбаларда **yaña** шаклида ифодаланган: *meñizi antağ bolur yaña qoğuş teg* – унинг ташқи кўриниши филнинг терисига ўхшаш[4;233]. Махмуд Кошғарий “Девон”ида **yağan** [6;III,36], **yañan** шакллари кўзга ташланади: *yañanлар ċarlaşdi* - филлар жар солишди [6; III,310]. Ахмад Югнакий **yağan** вариантыдан фойдаланган: *Yağan bolsa yüklük üzäsindä zar. Yağan* нинг мавжуд барча фонетик турларини чоғиштириш, унинг дастлабки кўриниши, яъни **dağan** шаклини тиклаш имконини беради. Турфон матнларида “фил” маъносини санскритча **matana** термини англатган [4; 338].

Fil атамаси даставвал Ахмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойиқ” асарида қайд қилинган [4;194]. XIV аср Хоразм ёдномаларида, шунингдек, Алишер Навоий асарлари лексикасида **fil**, **pil** [2; III,314] фонетик шаклларида учрайди: *neçä kim fil haybatli bolursa...*(Г,10162); *arslanlar, barslar, pillar yatmiş* (ҚР,209v8). А.Шчербакнинг ёзишича, **pil** қадимги эрон тилларидан ўзлашган; қиёсланг: сўғдча **pub**. Шундай бўлса ҳам аслида унинг эрон тиллари лексик қатламига мансублик эҳтимоли кам. Шунинг учун уни санскритча **pilu** ва асурийча **piru** сўзларига қиёслаш ўз исботини топган (ИРЛТЯ,139-140).

Туркийча **älik** (Абу Ҳайён,21 - “кийик”) термини “Тажумон”да **ilik** (11-б) шаклида берилган. **Älik** шакли Энасой ёдгорликлари ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “урғочи кийик”, “ёввойи эчки” маъноларини англатган: *Iç yer äliki artsun* – ер юзасида урғочи кийиклар кўпайсин [4;171]. “Ҳибатул ҳақойиқ” достонида ўз маъносини давом эттирган: *Qazā birlä ilnür tuzaqqa älik*.

4. Ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий тушунчаларни билдирувчи семантик майдон

4.1. Савдо-сотик ва пул муносабатлари билан алоқадор тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар: *arqış* – “карвон”, *asığ* –

“фойда”, *uĉuz* – “арзон”, *amānat* – “омонат”, *tawar* – “товар”, *māl* – “мол, товар”, *dinar* – “динор”(пул бирлиги).

Arqīš Кул тегин битигтошида “карвон”, Турфон матнларида “хабарчи, чопар” семаларида қўлланишда бўлган: *Ötrü ol arqīš... – сўнгра ул хабарчи... [4;54]*. “Қутадғу билиг” асарида дастлабки маъно учрайди: *Azun teziginür eldä arqīš yurip* – карвонлар элларда юриб жаҳон кезадилар [4;54]. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “карвон”, “чопар” маъноларини ифодалаган: *Aniñ arqīši keldi* – унинг чопари келди [4;54]. Достонда унинг “карвон” маъносини учратамиз: *Oñ arqīš ozadī qorub yol tutub*.

Турфон матнларида **asiğ** “фойда” маъносини англатган: *Yunt kündä asiğ bolur* [4;60]. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “наф”, “фойдали” семаларини билдирган: *Öküš sözdä artuq asiğ körmädim* – кўп сўзлашда фойда, наф кўрмадим [4;60]. Қайд этилган сўз “Ҳибатул ҳақойиқ” асарида “даромад”, “манфаат, ижобий натижа” маъноларида қўлланишда давом этган: *Tavar asiğ nemiš barursan yaliñ; Baqiğli, oquğli asiğ alsu tep. Asiğ* “кўпайтирмақ, кўшимча қилмоқ” маъносидаги **aš-as-** [4;62] феъли билан - **(i)ğ** кўшимчасидан ясалган. Шу билан бирга, мазкур лексема асарда янги сўзлар ҳосил қилиш учун асос бўлган: *Ne neñ bar biligtin asiğliğ* (фойдали) *öñin; Aña pand nasihat asiğsiz* (беҳуда) *erür*.

Uĉuz сифати илк марта қадимги туркий тилда “осонгина”, “озгина, арзимас, аҳамиятсиз” маъноларида истемолда бўлган: *Ol oğlan ögin emgätmädin uĉuz toğğay* – Бу бола онасига қийинчилик туғдирмасдан осон дунёга келди; *Taqi ağırlığ bolğay men taqi uĉuz bolğay men* – у яна кўп хурматга сазовор бўлади, мен эса аҳамиятсиз, эътиборсиз қоламан [4;604]. “Девону луғотит турк” ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асарида сўзнинг “арзон” семаси кузатилади: *Uĉuz näñ* – арзон нарса [4;604]. Таҳлиллардан натижа шуки, ушбу сифатнинг бош ва ундан ўсиб чиққан иккинчи маъноси ўша пайтдаёқ истемолдан чиқиб кетган. XI асрга келиб, сўзнинг ҳосила маъноси қўлланила бошлаган ва айни вақтда, бу сема

денотатга айланган. Ўрганилаётган асарда “осон” маъноси форс-тожикча *āsān* истилоҳи билан берилган: *ölüklärni tirgüzmäk āsān aḡa*.

4.2. Ижтимоий-сиёсий тушунчаларни англатувчи сўзлар: *el* – “эл”, *bozun* – “халқ”, *hukm* – “хукм”, *nišān* – “нишон”, *bayliq* – “бойлик”, *mälliq* – “моллик, мулкдор”. *čigayliq* – “камбағаллик”, *mālsiz* – “молсиз, камбағал”, *hadiya* – “ҳадя”, *atā* – “бағишлаш”, *qaravaš* – “чўри, хизматкор”.

4.3. Ҳарбий лексемалар: *bek* – “бек”, *yaḡi* – “душман”, *dušman* – “ғаним”, *oq* – “ўқ”.

“Ҳибатул ҳақойиқ” асари лексикасини мавзуий гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш натижасида дoston тилида турли мавзуий гуруҳга тегишли сўзлар ишлатилганлиги, уларда ўша давр халқининг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиёти ўз аксини топганлиги аён бўлди. Айни пайтда, мазкур мавзуий гуруҳларнинг шаклланишида бошқа тиллардан кирган лексемалар ҳам катта аҳамият касб этган.

Дoston тилида асосан “Ҳаракат, нутқ ва фаолият билан боғлиқ тушунчаларни англатувчи лексемалар”, “Хусусият ва белгини билдирувчи лексемалар”, “Теонимлар”, “Кишиларнинг қўли билан яратилган нарса-предмет номлари”, “Ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар” сингари мавзуий гуруҳларга кирувчи истилоҳлар фаол қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. ...дис. автореф. –Т.: 1996. –Б. 16.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, I-IV. – Тошкент: Фан, 1983-1985. I – 1983, 646 б; II – 1983, 642 б; III – 1984, 622 б; IV – 1985, 636 б.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: ФАН, 1983. –Б. 3.
4. Древнетюркский словарь. –Л.: Наука, 1969. С. 678
5. Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳақида: кириш, фонетика, морфология, матн, транскрипция, шарҳ, луғат. –Т.: Фан, 1972. –298 б.
6. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. I. –Т.: Фан, 1960. – 499 б., II. –Т.: 1961. –427 б., III. –Т.: 1963. –461 б.
7. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV. –СПБ, 1893-1911.

8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). –Т.: Университет, 2000. –599 б.

9. Севортян Э. Этимологический словарь тюркских языков. Общeturкские и межтюркские основы на гласные. –М.: Наука, 1974. –767 с.

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II. –М.: Русский язык, 1981; Т. I. 1981. – 631 б., Т. II. 1981. –715 б.

Jurayev, K. (2020). O VNOVЬ NAYDENNOM DASTANE "LEYLI I MEDJHUN". Архив Научных Публикаций JSPI, 12(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1252

Jurayev, K. (2020). NOSIRXOJA VALADI MANSURXO'JANNING "LAYLI VA MAJNUN" DOSTONI. Архив Научных Публикаций JSPI, 12(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1251

Jurayev, K. (2020). Лайли ва Мажнун. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(87). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7085

Джураев Джалолиддин Аминджанович. "Хивинский историк Комёб и его произведения как вклад в изучение истории народов Центральной Азии" Вестник Челябинского государственного университета, no. 12 (266), 2012, pp. 103-106.

Джураев Джамолиддин Аминджанович. "Об исторических произведениях Сайид Хамид тура комеба" Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета, no. 11, 2011, pp. 239-246.

Jurayev, Jamoliddin Aminjanovich, and Latofat Ibragimova. "An historian komyob from khiva and his works." Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 9.12 (2020): 75-80.